

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КИЧИК БИЗНЕСНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ МУАММО ВА ЕЧИМЛАРИ

Махмудова Дилбар Рахмоновна

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7375637>

Аннотация. Мақолада рақамли иқтисодиётни ривожлантириши орқали кичик бизнесни такомиллаштиришнинг масаласига атрофлича тўхталиб ўтилган бўлиб, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида кичик бизнесни рақамлаштиришдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари келтирилган. Шунингдек, ҳозирги Индустрия 4.0 босқичида кичик бизнеснинг аҳамияти хусусида ҳам тўхталиб ўтилган бўлиб, соҳани рақамлаштиришнинг муҳимлиги дунёга маишур тадқиқот олиб борувчи компаниялар мисолида ўрганилган. Келтирилган муаммолар юзасидан атрофлича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, кичик бизнес, индустрия 4.0, ИТ технология, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши.

ВЫЗОВЫ И РЕШЕНИЯ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МАЛОГО БИЗНЕСА В УСЛОВИЯХ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

Аннотация. В статье рассматривается вопрос о совершенствовании малого бизнеса за счет развития цифровой экономики, представлены проблемы цифровизации малого бизнеса в социально-экономическом развитии страны и пути их решения. Также обсуждается важность малого бизнеса на современном этапе Индустрии 4.0, изучается важность цифровизации отрасли на примере всемирно известных исследовательских компаний. По указанным проблемам разработаны подробные предложения и рекомендации.

Ключевые слова: цифровая экономика, малый бизнес, индустрия 4.0, ИТ-технологии, социально-экономическое развитие.

TASKS AND SOLUTIONS TO IMPROVE SMALL BUSINESS IN THE DEVELOPMENT OF THE DIGITAL ECONOMY

Abstract. The article deals with the issue of improving small business through the development of digital economy, problems of digitalization of small business in socio-economic development of the country and their solutions are presented. The importance of small businesses in the current stage of Industry 4.0 is also discussed, and the importance of digitization of the industry is studied by the example of world-renowned research companies. Detailed proposals and recommendations have been developed regarding the mentioned problems.

Keywords: digital economy, small business, industry 4.0, IT technology, socio-economic development.

КИРИШ

Кичик бизнес бошқарувини такомиллаштириш мамлакат олдида турган муҳим стратегик вазифалардан бири ҳисобланади. Бу соҳани янада ривожлантириш мақсадида президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Булар жумласига, “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш” давлат дастури, “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва

тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор ҳамда, “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқланиши фикримизнинг ёрқин далилидир.

Рақамли иқтисодий ривожлантириш шароитида кичик бизнес бошқарувини такомиллаштиришга эътибор қаратар эканмиз, бу ўринда 2021 йилнинг “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилиниши, янги рақамли Ўзбекистонни билимли, бунёдкор, ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган ўз касбининг етук мутахассислари, шижоатли ёшларимиз билан биргаликда барпо этишимизни англатади. Мамлакатимизда учинчи ренесанс пойдеворини барпо қилишдек мақсадни олдимизга қўйган эканмиз, бунда, айниқса ёшларнинг барча соҳаларда, жумладан кичик бизнесда инновацион технологиялар ва операцион тизимлар асосида фаолият юрита олиш қобилиятининг пастлиги ижтимоий-иқтисодий тараққиётга салбир таъсир кўрсатаётти. Инновацион технологияларни ишлаб чиқариш жараёнига чуқур интеграциялаш ва шу технологияларни амлиётда қўллаш оладиган етук мутахассис кадрларни тайёрлаш ҳозирги кундаги асосий муаммолардан саналади.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Бундай ҳолат нафақат бизнинг мамлакатимиз қолаверса, бутун жаҳон мамлакатларида ҳам кузатилаётти. Шу сабаб, рақамли иқтисодий шакллантириш шароитида кичик бизнесни ривожлантиришдаги муаммолар бутун дунё олимларини изланишга йўналтирмоқда. Жумладан, чет эл олимларидан К.Шваб, В.Д.Маркова, Л.В.Липидус, И.Шпуров, К.Рамо, М.Шеховцов, Н.Молоткова, Д.Л.Хазанова, Е.В.Иванова, В.А.Бородай, мамлакатимиз олимларидан эса, С.С.Гулямов, Р.Ҳ.Аюпов, О.М.Абдуллаев, А.А.Фаттахов, К.Ахмедов, М.М.Мухаммедов, М.Қ.Пардаев, А.Э.Юлдашевларнинг, илмий асарлари, изланишлари ва тадқиқотлари мисолида кўришимиз мумкин.

Кўпгина тадқиқотлар кичик бизнеснинг ривожланиши мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятлари билан ўзаро боғлиқлигини тасдиқлайди. “Иқтисодий кичик ва ўрта бизнес асосан ўрта аҳоли қатламининг даромадларини таъминлаган ҳолда, иш жойларини яратади ва умуман мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий аҳолини белгилайди”. Бироқ, макроиқтисодий ўзгаришлар кичик бизнес фаолиятига жиддий ўзгаришлар киритмоқда. Рақамли иқтисодийнинг бозор иқтисодиётига кириб келиши, барча ижтимоий-иқтисодий тармоқларларга таъсир қилади ва “иқтисодийнинг бундай тизимига босқичма-босқич ўтиш мамлакатимизнинг глобал миқёсда рақобатбардошлигини оширади, фуқароларнинг ҳаёт сифатини яхшилайди, янги иш ўринларини яратади ва миллий мустақилликни таъминлайди”. Ҳар қандай мамлакат умумий бизнес ҳаётининг ажралмас қисми бўлган кичик бизнесга, жаҳонда тезлик билан гиперактив тарзда ривожланаётган давлатлар иқтисодиётини рақамлаштириш амалиётини тақбиқ этиши лозим.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Кичик бизнес ҳозирги даврга келиб нафақат бизнинг давлатимиз, қолаверса бутун жаҳон давлатларининг иқтисодий қудратини белгиловчи муҳим соҳадир. Ўзбекистоннинг халқаро рейтинг кўрсаткичларида муносиб ўрин эгаллашида кичик бизнес бошқарувини такомиллаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. “Doing business

(Бизнес юритиш)-2020” рейтингида давлатимиз 186 та мамлакат қаторидан 69 ўринни эгаллаб, 7-поғонага кўтарилиб халқаро майдонда ўз ўрнига эга бўлмоқда.

Янги корхона очиш қулайлиги бўйича юртимиз илк бор дунёда 8-ўринга кўтарилди. Афсуски, Ўзбекистон жаҳоннинг муҳим рейтингларидан бири бўлган “Global entrepreneurship monitor (Глобал тадбиркорлик мониторинги)” рейтингида йўқ. Бу борада, ривожланган мамлакатлар рақамли иқтисодиётининг ютуқларини ҳисобга олган ҳолда, глобал рақамли маконни шакллантириш асосида мамлакатнинг технологик етакчилигини таъминлаш, самарали бўлган ишлаб чиқариш жараёнларини, савдо-сотикни, хизматларни ташкил этиш, самарали бошқарув тамойилларини ривожлантириш ва мавжуд иқтисодий ресурсларни бошқаришни такомиллаштириш муҳим.

Бутун дунё миқёсида мамлакатларнинг барча соҳалари бўйича, шу ўринда республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ўрнини Жаҳон банкининг статистик таҳлил ва кўрсаткичлари асосида ўрганиб чиқдик.

1.1-жадвал

World bank статистикасида Ўзбекистоннинг ҳолати таҳлили

| № | Индекс – 2020 | Ўзбекистон Республикасининг позицияси | Индексда иштирок этаётган давлатлар |
|---|-------------------------------------------------------|---------------------------------------|-------------------------------------|
| 1 | Ижтимоий тараққиёт | 102 | 163 |
| 2 | Ялпи ички маҳсулот | 81 | 203 |
| 3 | Глобал рақобатбардошлик | - | 63 |
| 4 | Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи миллий маҳсулот | 152 | 195 |
| 5 | Электрон ҳукумат ривожланиш даражаси | 87 | 193 |
| 6 | Глобаллашув – 2019 | 163 | 197 |
| 7 | Коррупцияни идрок этиш | 146 | 179 |
| 8 | Мамлакатнинг фаровонлик даражаси | 97 | 167 |

Келтирилган жадвалдан кўриниб турибдики, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришишда ва юқорида қайд этилган кўрсаткичларда янада баланд позицияга кўтарилиш учун ишлаб чиқаришни янада кенгайтирган ҳолда ЯИМ, ҳамда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМнинг ҳиссасини ошириш муҳим. Таҳлилдан маълум бўлдики, Ўзбекистон глобал рақобатбардошлик кўрсаткичи рейтингида киритилмаган. Бу эса, жаҳон бозорида юқори брендга эга бўлган маҳсулотлар экспортини амалга оширишни ва иқтисодиётимизнинг барча соҳаларида рақамли технологияларни қўллашни назарда тутди. Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш асосида глобаллашув жараёнини тезлаштириш, электрон ҳукуматнинг ролини ошириш, коррупцияни идрок этиш даражасини такомиллаштириш мамлакатимизнинг фаровонлик даражасини янада мустаҳкамлайди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда иқтисодиётнинг реал сектори улушини янада оширган ҳолда, унинг кичик бизнес соҳасини изчил такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Ҳозирги рақамли технологиялар асрида мамлакатимиз ҳаётида туб ўзгаришлар, ислохотлар жараёни кечмоқда. Бугунги кунда жаҳонда тўртинчи саноат инқилоби бошланган экан, бутун дунё мамлакатлари “Саноат эволюцияси” даврини кечиб ўтаяпти. Бир неча асрлардан бери мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўринга эга

бўлган кичик бизнес дастлабки ривожланиш эволюциясида ҳам инсонларни кичик-кичик соҳалар бўйича бирлаштириб, ягона мақсад сари интилишга яъни фаровонлик ва тараққиётга эришишига олиб келган.

Рақамли билимларни ўзлаштирмасдан ва амалиётга жорий қилмасдан туриб, рақамли коммуникацияларга, ИТ (инновацион технологиялар) ёрдамида олиб бориладиган рақамли иқтисодиётга ҳамда энг асосийси ҳозирги замон тараққиётининг юқори поғонаси бўлган индустрия 4.0 босқичига ўтиб бўлмайди. Рақамли иқтисодиёт ҳозирги кунда бутун дунёни камраб олиши билан бирга, барча соҳаларни тубдан ўзгаришига олиб келди. Ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини ўзлаштирмай туриб, ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган маҳсулот ва хизматларни ярата олмаймиз. Иқтисодий ва технологик тараққиётнинг янги босқичи сифатида намоён бўлаётган рақамли инқилоб инсоният ҳаётини шиддат билан ўзгартириб, кенг имкониятлар яратиш билан бирга, жаҳон бозори майдонида юксак рақобат даврини бошлаб берди.

МУҲОКАМА

Accenture Technology Vision 2020 тадқиқотлари натижасида “дунёдаги 6000 дан ортиқ бизнес ва ИТ раҳбарларининг 83 % и технология инсон ҳаётининг (ёки миждозлар тажрибасининг) зарурий қисмига айланлигини тан олишади. Accenture шунингдек тадқиқотга тайёргарлик жараёнида 2000 истеъмолчини сўроқ қилди ва уларнинг 70 % и келгуси уч йил ичида технология билан алоқалар янада чуқурроқ ва муҳимроқ бўлишини кутмоқдалар”. Шунингдек, Accenture консалтинг компаниясининг боқарувчи директори Кетан Авалегаонкар тадқиқот ҳисоботида кўра, “топ менежерларнинг 84%и кейинги ривожланиш учун сунъий интеллект технологиясидан фойдаланиш зарур деб ҳисобласалар, тўрт топ менежерлардан учтаси келгуси беш йил ичида сунъий интеллект кўлами кенгайтирилиши керак, акс ҳолда миждозлар ва бизнесни йўқотиш хавфи мавжудлиги ҳамда, 76 % масштаблаш жараёнида муаммоларга дуч келади” деган хулосаларга келишди. Масштаблаш жараёнида турли хил муаммоларга дуч келмасликда, авваламбор мамлакатнинг бутун худудуида рақамлаштириш қандай даражада эканлиги, унинг белгилари бўйича ҳолати ҳам ўрганилиши шарт.

ХУЛОСА

Рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида кичик бизнеснинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги ўрнини янада мустаҳкамлашда олиб борилган илмий изланишларни, тадқиқот натижаларини инобатга олган ҳолда куйидаги таклиф ва тавсияларни амалиётга жорий қилинишини мақбул деб топдик. Булар:

1. Кичик бизнес бошқарувини такомиллаштиришда ахборот ва таълим ролини янада ошириб, бошқарувчиларда инқилобий фикрлаш доирасини кенгайтирган ҳолда ривожланиш стратегиясини амалга ошириш;

2. Иқтисодиётнинг реал секторида рақамли технологияларни киритиш асосида инновацион автоматлаштирилган бошқарув тизимлари, дастурий маҳсулотларни жорий қилиш;

3. Кичик бизнесда рақамли технологияларнинг дастлабки элементларини киритган ҳолда корхонани йириклаштириш чора-тадбирларини кўриш яъни, кичик бизнесдан ўрта бизнесга, ўрта бизнесдан йирик бизнесга ўтиш;

4. Кичик бизнесни ривожлантиришда самарали бошқарув айникса “ақлли бошқарув” асосида ташкил этиш чора-тадбирларини кўриш;

5. Ишлаб чиқариш жараёнида рақамли технологияларни чуқур интеграциялаш орқали маҳсулот таннархи пасайишига, ресурслардан оптимал ва самарали фойдаланиш ва асосийси хориж бозорларига рақамли экспорт қилишга эришиш

6. Рақамли иқтисодиёт шароитида кичик бизнес бошқарувини такомиллаштириш орқали, иқтисодиётимизнинг реал сектори улушини кўпайтириш ҳамда мамлакатимизни технологик тараққий этган давр “Индустрия 4” босқичига тайёрлаш истикболли йўналишларини ишлаб чиқишдан иборат.

Шундай экан, жаҳон иқтисодиётининг юқори тенденциялар билан ривожланиши жараёнида Ўзбекистон ҳам дунё рейтинг кўрсаткичлари ва жаҳон бозорида ўзининг ўрнига эга бўлиши, тараққиётдан четда қолиб кетмаслиги учун олиб борилаётган илмий изланишлар, тадқиқотлар соҳани тубдан ислоҳ этишда муҳим омил ҳисобланиб, ҳозирги кундаги энг долзарб аҳамият касб этадиган масалалардан эканлигидан далолат беради.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қушимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4862-сон қарори. 13.10.2020 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПФ-6079-сон фармони. 05.10.2020 йил.
3. Молоткова Н., Хазанова Д., Иванова Е. Малый бизнес в цифровой экономике. Россия 2019.
https://www.researchgate.net/publication/331785040_Small_Business_in_Digital_Economy
4. Гулямов С.С., Аюпов Р.Ҳ., Абдуллаев О.М., Балтабаева Г.Р. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялари. - Ўқув қўлланма – Тошкент: 2019 йил.
5. Исследование Accenture Technology Vision 2020: От техноконфликта до технодоверия, соблюдая интересы потребителей. 12.02.2020.
<https://www.crn.ru/news/detail.php?ID=142944>
6. Кетан Авалегаонкар тадқиқот ҳисоботидан—ACCENTURE APPLIED INTELLIGENCE, STRATEGY & CONSULTING бошқарувчи директори. 14.10.2019.
7. Rakhmonovna M. D. A System of Government Regulation and Support Measures to Improve Small Business Governance in the Digital Economy //Academic Journal of Digital Economics and Stability. – 2022. – Т. 14. – С. 93-97.
8. Rakhmonovna M. D. Foreign Experience In Regulating And Supporting Small Business By The State //Eurasian Journal of History, Geography and Economics. – 2022. – Т. 5. – С. 22-26.
9. Rakhmonovna M. D. TASKS AND SOLUTIONS TO IMPROVE SMALL BUSINESS IN THE DEVELOPMENT OF THE DIGITAL ECONOMY //Conferencious Online. – 2021. – С. 57-60
10. Rakhmonovna M. D. METHODOLOGICAL BASIS, FORMS, METHODS AND PROPERTIES OF SMALL BUSINESS AND ITS MANAGEMENT 2021

11. Rakhmonovna M. D. UNDERSTANDING THE ESSENCE OF ENTREPRENEURSHIP AND BUSINESS IS THE BASIS FOR IMPROVING SMALL BUSINESS MANAGEMENT
12. Makhmudova D., Kholikulov A. FINANCIAL SUPPORT OF SMALL BUSINESS AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN //Интернаука. – 2020. – №. 4-3. – С. 38-39
13. Rakhmonovna, Makhmudova Dilbar. "RESEARCH PARK." (2021).
14. Dilbar, M. METHODOLOGICAL BASIS, FORMS, METHODS AND PROPERTIES OF SMALL BUSINESS AND ITS MANAGEMENT.
15. М.Д.Рахмоновна СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УПРАВЛЕНИЯ МАЛЫМ БИЗНЕСОМ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ. VIII Международная научно-практическая конференция «SCIENCE AND EDUCATION IN THE MODERN WORLD: CHALLENGES OF THE XXI CENTURY» 2021. Том. 2. С. 40-43
16. M.D Rakhmonovna “The Role and Importance of Small Business in Shaping the Digital Economy” American Journal of Economics and Business Management 4 (8), 82-90, 2021
17. D. Makhmudova “Рақамли иқтисодиётни шакллантириш асосида кичик бизнеснинг бошқарув тизимини такомиллаштириш” Science and innovation 1 (A5), 440-448, 2022
18. D.Makhmudova “РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА КИЧИК БИЗНЕС ИСТИҚБОЛЛАРИ” Science and innovation 1 (A6), 516-523, 2022
19. D. Makhmudova “КИЧИК БИЗНЕС ВА УНИ БОШҚАРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ, ШАКЛЛАРИ, МЕТОДЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ” Science and innovation 1 (A7), 435-445. 2022
20. D. Makhmudova “РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА КАДРЛАР МАСАЛАСИ” Science and innovation 1 (A7), 446-450. 2022
21. D. Makhmudova “РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КИЧИК БИЗНЕС БОШҚАРУВИНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ” Science and innovation 1 (A7), 451-461. 2022
22. D. Makhmudova “РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ” Science and innovation 1 (A7), 462-469. 2022
23. D. Makhmudova “ТАДБИРКОРЛИК ВА БИЗНЕСНИНГ МОҲИЯТИНИ АНГЛАШ, КИЧИК БИЗНЕС БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АСОСИДИР” Science and innovation 1 (A7), 470-781. 2022
24. D. Makhmudova “ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КИЧИК БИЗНЕСНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ” Science and innovation 1 (A7), 482-488. 2022
25. <https://www.accenture.com/ru-ru/insights/artificial-intelligence/ai-investments>
26. <https://gtmarket.ru/ratings/social-progress-index>
27. <https://gtmarket.ru/ratings/gross-domestic-product-ranking>
28. <https://gtmarket.ru/ratings/imd-world-competitiveness-ranking#uzbekistan>
29. <https://gtmarket.ru/ratings/gross-national-income-ranking>
30. <https://gtmarket.ru/ratings/legatum-prosperity-index>
31. <https://gtmarket.ru/ratings/e-government-development-index>

32. <https://gtmarket.ru/ratings/kof-globalization-index>
33. <https://rket.ru/ratings/gtmacorruption-perceptions-index#uzbekistan>